Биография

Дурдона Лутфуллаева



Дурдона Лутфуллаева 1965 йилнинг декабрида Тошкент шаҳрида туғилди. Отаси – Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаев фарзандларининг руҳиятига мумтоз санъат, халқ оғзаки ижоди, она тили, миллий қадриятларга кучли муҳаббатни сингдириб улғайтирди. Тошкент шаҳридаги 236-мактабни битириб, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. 1988 йилда университетни имтиёзли диплом билан битириб, йўлланма асосида Тошкент вилояти Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1991-94 йилларда Тошкент Давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1997 йилда профессор Карим Назаров раҳбарлигида “Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий – мазмуний номувофиқлик” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. 2006 йилда профессор А.Нурмонов раҳбарлигида “Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (Ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгилари асосида зидланувчи гаплар мисолида)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2006 йилдан Тошкент вилояти Давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида профессор лавозимида фаолият юритади.

Асарлари:

1997

Тасдиқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиқлик. Монография., Т., “Фан”

2004

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис (Маърузалар матни). – Ангрен

2005

Ўзбек тилининг имло муаммолари. (Маърузалар матни ва амалий машғулотлар ишланмаси). – Ангрен

Нутқ маданияти. (Маърузалар матни ва амалий машғулотлар ишланмаси). – Ангрен

Гапнинг семантик-синтактик қолиплаштириш асослари. Монография., Т., “Фан”

2008

Синтаксисдан амалий топшириқлар тизими. Услубий қўлланма., Т., “Янги аср авлоди”

Гап қурилиш қолипи ва позитив структураси ўртасидаги муносабат. Ўқув қўлланма., Т., ТДПУ.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.